O”zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
HOKIMI
QARORI

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

2020 йил 20 март **Бухоро шаҳри** **№ 130**

Бухоро вилояти ҳудудида тўпланадиган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сонли “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 318-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2019 й., 06/19/5893/4150-сон) ҳамда 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сонли “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2019 й., 07/19/4291/2960-сон) қарорларида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 13 январдаги 01-04/1-16–сонли хатига асосан Бухоро вилояти ҳудудида тўпланадиган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрларини белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрларини аниқлаш бўйича Самарқанд шаҳрида тадқиқот ва хронометраж ишлари ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилояти ҳудудида тўпланадиган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (М.Муртазоев)га вилоятда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда:

санитар тозалаш корхоналари фаолиятларини олдиндан режалаштириш;

чиқинди ташиш техникалари, механизмлар ва ускуналарга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилиш;

санитар тозалаш ташкилотларининг маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

маиший чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш соҳаларининг услублари ва усулларини белгилаш ҳамда пировардида чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирларини камайтириш чораларини кўриш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 26 февралдаги 99-сонли "Қаттиқ ва суюқ уй-рўзғор чиқиндиларининг тўпланиш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б. **К.Камолов**

Вилоят ҳокимининг 2020 йил
20 мартдаги 130-сонли қарорига
илова

Бухоро вилояти ҳудудида тўпланадиган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрлари

№	Методологияга мувофиқ турар-жой ва турар жой бўлмаган биноларнинг турлари	Ҳисоблаш бирлиги	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳисоб-китоб бирлигига кг/ кун
1.	Уй-жой фонди (кўп қаватли ва шахсий)	1 киши	0,780
2.	Дала ҳовли	1 участка	-
3.	Маъмурий ва бошқа муассасалар (ташкилотлар, идоралар, банклар ва бошқалар)	1 киши	0,205
4.	Меҳмонхоналар, ётоқхоналар дам олиш уйлари ва бошқалар.	1 жой	0,304
5.	Мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари, қариялар уйлари ва бошқалар.	1 ўрин	0,241
6.	Овқатланиш жойлари (кафелар, ресторанлар, ошхоналар ва бошқалар).	1 ўрин	0,526
7.	Болалар боғчалари ва бошқалар	1 ўрин	0,052
8.	Мактаб, коллежлар, олийгоҳлар ва бошқа ўқув масканлари	1 ўқувчи ёки талаба	0,017
9.	Поликлиникалар	1 ташриф	0,111
10.	Касалхоналар, дам олиш жойлари, пансионатлар бошқа даволаш-профилактика муассасалар ва бошқалар	1 ётоқ жой	0,375
11.	Театр, кино, концерт зали, кутубхона, клуб, ўйин заллари ва бошқалар	1 ўрин	0,033
12.	Сартарошхоналар, гўзаллик салони ва бошқалар	1 ўрин	0,159
13.	Стадионлар, спорт мажмуалари, спорт майдонлари ва бошқалар	Лойиҳа бўйича 1 ўрин	0,0002
14.	Бозорлар, супермаркетлар, гипермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, универсал дўконлар, ярмаркалар, уй-рўзғор буюмлари дўконлари, савдо павильонлари, киоскалар, чодирлар ва	1 м^2 савдо майдони	0,073

	бошқалар.		
15.	Дорихоналар	1 м^2 савдо майдони	0,06
16.	Автомобиль машиналари ва бошқалар билан савдо килиш	1 савдо жойи	2,937
17.	Музейлар, кўргазмалар ва бошқалар	1 м^2 умумий майдони	0,012
18.	Спорт, рақс, ўйин заллари ва бошқалар	1 м^2 умумий майдони	0,002
19.	Улгуржи бозорлар, озиқ-овқат мажмуалари, саноат моллари ва бошқалар	1 м^2 умумий майдони	0,056
20.	Вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар ва бошқалар.	1 м^2 умумий майдони	0,004
21.	Пляжлар	1 м^2 умумий майдон	-
22.	Маиший хизмат уйлари	1 м^2 умумий майдон	0,002
23.	Кир ювиш мажмуалари, кимёвий тозалаш воситалари, таъмирлаш ва тикиш учун ателье, пойафзалларни таъмирлаш устохоналари ва бошқалар	1 м^2 умумий майдон	0,028
24.	Ванна, сауна ва бошқалар.	1 м^2 умумий майдон	0,018
25.	Маиший техника, электрон ускуналар ва бошқа таъмирлаш устохоналари	1 ишчи ўрин	0,351
26.	Автотураргоҳлар, автоуловларни ювиш жойлари, автомобилларни таъмирлаш устохоналари, ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, гаражлар ва бошқалар	1 та машина учун жой	3,894
27.	Оммавий тадбирлар ташкил қилинадиган ҳудудлар.	1000 иштирокчи	0,042

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMLIGI APPARATI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMLIGI
ISHLAR BOSHQARMASI
ИШЛАР БОШҚАРМАСИ